Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз!

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI

ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Строитель Узбекистана

№89-90 (438-439)
2020 йил 13 ноябрь, жума

Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.

UZBUNYODKOR t.me/uzbunyodkor uzbunyodkori@umail.uz

# ҚАШҚАДАРЁДА МИЛЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛИБ, САНОАТ РИВОЖЛАНИШИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пандемия шароитига қарамай, иқтисодиётни тиклаш ва ривожлантириш, одамлар ҳаётини яхшилаш борасидаги ишлар билан танишиш мақсадида 12 ноябрь куни Қашқадарёга келди.

Давлат раҳбари вилоятга сафарини Шаҳрисабз туманидаги «Oqsaroy Vortex» масъулияти чекланган жамиятда синтетик аралашмали ип ва мато ишлаб чиқариш жараёни билан танишишдан бошлади.



Бу ерда «Oqsaroy Group» компанияси таркибига кирувчи «Oqsaroy Textile» ва «Oqsaroy Vortex» корхоналари ташкил этилган бўлиб, уларда умумий қиймати 54 миллион долларлик 3 та лойиҳани босқичма-босқич амалга ошириш белгиланган эди. Бунинг натижасида 1 минг 630 та иш ўрни яратиш, йилига 22 миллион АҚШ долларлик тўқимачилик маҳсулотларини экспорт қилиш кўзда тутилган.

Биринчи босқичда 2014 йили «NBU инвест» компаниясидан «Oqsaroy Textile» корхонасининг 21 миллион АҚШ долларлик 100 фоиз улуши сотиб олиниб, модернизация ишлари натижасида бу ерда йилига 9 минг тонна ип-калава, 4 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди.

Ушбу корхонада ўтган йили 6 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич 8 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Иккинчи босқичда шу йил октябрь ойида «Oqsaroy Vortex» корхонаси фаолият бошлаб, сунъий ва табиий толадан калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилди. Лойиҳа қиймати – 15 миллион АҚШ долларига тенг бўлиб, йилига 3 минг тонна калава ип, 5,5 минг тонна сунъий толали ип, 3,5 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш қувватига эга. Экспорт ҳажми йилига 7 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Учинчи босқичда ушбу корхоналар ёнида яна битта тўқимачилик фабрикаси барпо этилиб, калава ип ва трикотаж мато ишлаб чиқаришни кенгайтириш режалаштирилган. Қиймати 18 миллион АҚШ доллари бўлган бу лойиҳа натижасида йилига 7 минг тонна калава ип, 2,1 минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқаришга эришилади. Келаси йил ишга тушадиган лойиҳа натижасида 700 та янги иш ўрни яратилади.

Президент корхонадаги ишлаб чиқариш жараёнларини, калава ип ва тайёр мато намуналарини кўздан кечирди.

Корхонанинг анъанавий ип-йигирув фабрикаларидан асосий фарқи – бу ерда Японияning «Muratec» компаниясида ишлаб чиқарилган Vortex технологик ускуналари ўрнатилган. Мазкур технологиянинг афзаллиги калава ип тўқилаётганда тола марказлашган аэродинамик ҳаво босими орқали ўтказилади. Натижада ипнинг тукдорлиги камаяди, сифати ортади.

Давлатимиз раҳбари соҳанинг иқтисодий жиҳатига эътибор қаратди. Шу нуқтаи назардан, тўқимачилик саноатига оид лойиҳаларни уч йўналишда ташкил этиш кераклигини таъкидлади.

Биринчидан, Қашқадарёнинг пахта етиштириладиган саккизта туманида «Oqsaroy Vortex» намунасидаги тўқимачилик корхоналарини ташкил этиш, уларни барпо этишда арзон конструкцияли материаллардан фойдаланиш бўйича топшириқ берилди.

– Иккинчидан, барча кластерларни кооперация қилиб, сунъий тола ишлаб чиқариш бўйича битта алоҳида лойиҳа қилиш керак. Учинчидан, ёғочдан табиий тола – вискоза ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лозим, – деди Президент.

– Бу миллий-иқтисодий тизим бўлади. Мана шу билан биз Қашқадарё вилоятини тўқимачилик лойиҳалари билан тўла қамраб оламиз. Таннархни арзон қилиб, саккизта корхонани ишга туширсак, қўшимча қиймат билан кўплаб иш жойлари яратишга эришамиз, – деди Шавкат Мирзиёев.

*(Давоми 2-бетда)*









# Жиззахда IT Park филиали очилди

**Бу режалаштирилган 14 та филиалнинг тўртинчиси бўлиб, аввалроқ учтаси Гулистон, Марғилон ва Андижонда очилган эди.**

Дунёнинг ривожланган мамлакатлари каби Ўзбекистонда ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Жумладан, 2020 йил Президентимиз томонидан «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили» деб эълон қилиниши ва рақамли иқтисодиётга ўтиш Ўзбекистоннинг кейинги 5 йилдаги устувор вазифаларидан бири этиб белгиланган.

Шу мақсадда 2019 йилда Тошкент шаҳрида IT Park ташкил этилиб, давлатимиз раҳбарининг тегишли топшириқларига асосан ҳозирги кунда вилоят марказларида ҳам унинг филиалларини барпо этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Филиалнинг очилиш маросимида Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Солиев, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири ўринбосари Баҳромжон Олматов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Отабек Ҳасанов, Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маниш Прабхат ва IT Park директорининг ўринбосари Баҳодир Аюпов, шаҳар, туман ҳокимлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан IT Park филиалининг ишга туширилиши вилоятда рақамли иқтисодиётни кенг ривожлантириш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва уларга шарт-шароитлар яратиб бериш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг рақамли технологиялар соҳасида билимларини ошириш, шунингдек, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиб ҳаётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга бўлганлигини алоҳида таъкидлади.

– Ҳиндистоннинг тараққиётида IT Parkлар муҳим ўрин тутади, – дейди Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Маниш Прабхат. – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистонга ташрифи давомида давлатларимиз ўртасида IT соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича эришилган келишувлар натижасида катта ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, шу ҳамкорлик самараси бўлган IT Park дастурий таъминотлар ишлаб чиқаришни илғор тажрибалар асосида кенгайтиришга, стартапларни жадаллаштиришга, ёшларнинг янги ғоялари, лойиҳаларини жамият ҳаётига татбиқ этишга хизмат қилади. Бу эса мамлакатда барча соҳаларни ривожлантиришнинг муҳим омилидир.

IT Park филиали Жиззах шаҳри маъмурий марказида яқинда қайта реконструкция қилинган олти қаватли бинонинг иккинчи қаватида жойлашган. Филиал 24/7 режимда фаолият юритиб, у ерда чет эллик шериклар ва турли компаниялар билан алоқалар ўрнатилади.

IT Park Жиззах филиалида коворкинг маркази, 20 ўринли конференция зали, 14 ўринли 2 та музокаралар хонаси, стартап хоналари ва IT Park резидентлари ва филиал ходимлари учун офислар ҳамда кафе жой олган. Шунингдек, филиал қошида «Рақамли технологиялар» ўқув маркази ташкил этилиб, 45 нафар тингловчига мўлжалланган 3 та замонавий ўқув хонасида, йил мобайнида, тўлиқ қувватда 500 та тингловчини ўқитиш имкониятига эга бўлади.

Марказда компьютер саводхонлиги, дастурлаш, WEБ дизайн, график дизайн, мобил робототехника, киберспорт турлари, инглиз тили ва бошқа ўқув курслари фаолияти йўлга қўйилаётир. Ўқув хоналари ва киберспорт синфлари учун компъютер тўпламлари билан таъминланди.

Тадбир қатнашчилари IT Park Жиззах филиали ташкил этилиши вилоятда рақамли иқтисодиётни, тадбиркорликни жадал ривожлантиришга, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмини оширишга ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида билимли ёшларнинг кўпайишига хизмат қилади, деб ишонч билдирди.

**Тошқул БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЭЪТИРОФ

# Ўзбек олимлари китоби Англияда нашрдан чиқди




**Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти олимлари профессор – Асқар Ҳасанов ва доцент Зоҳир Ҳасанов қаламига мансуб «Experimental and Theoretical Study of Strength and Stability of Soil» («Грунтлар мустаҳкамлиги ва турғунлигининг амалий ҳамда назарий тадқиқотлари») деб номланган китоб яқинда хорижда босмадан чиқди.**

Англиянинг нуфузли «Taylor Francis Group» нашриёти томонидан инглиз тилида чоп этилган мазкур илмий асарда тадқиқотчиларнинг ўз изланишлари ва тажрибалари умумлаштирилган бўлиб, унда ҳозирги замон архитектураси ва иморатсозлигининг асоси ҳисобланган пойдевор қўйишда грунтларнинг хилма-хиллиги, таркиби, бардошлилигига оид муҳим маълумотлар баён қилинган. Мураккаб заминга қурилиши мўлжалланган бино ва иншоотларнинг пойдеворини лойиҳалаш, ноанъанавий қидирув ишларини бажариш, ер қатлами ва турли аралашмалардан иборат тупроқнинг зичлиги, унинг юкни кўтаришдаги пассив ва актив фаолияти ҳамда қурилиш олиб боришга мувофиқ ёки номувофиқлигини аниқлашнинг илмий асосланган хулосалари билан ҳар қандай мутахассисда катта қизиқиш уйғотиши шубҳасиз.

Китобда назарий билимлар амалий тадқиқотлар билан солиштирилиб, уларнинг ўзаро мутаносиблигига доир мисоллар келтирилгани, айниқса, қимматли аҳамиятга эгадир. Ота-бола Ҳасановларнинг рисоласи грунтлар техникаси ва геотехникаси соҳаси ходимлари, шунингдек, муҳандис-қурувчи олимлар, талабалар ва иш юритувчилар учун мўлжалланганлигини таъкидлаш жоиз.

Шуни айтиш керакка, таниқли олим Асқар Ҳасанов Самарқанд давлат университети ва Самарқанд архитектура-қурилиш институтида профессор лавозимида ишлаб келмоқда. У «Геофундоментпроект» МЧЖ ишлаб чиқариш ташкилоти раҳбари, 1996 йилдан буён муҳандислик геологияси соҳасида Нью-Йорк Фанлар академиясининг аъзоси, Ўзбекистон геотехникаси уюшмаси раиси сифатида ҳам фаолият олиб боряпти. У мамлакатимизда мураккаб муҳандислик ва геологик шароитда қурилган 300 дан ортиқ пойдевор лойиҳаларининг муаллифидир. Халқаро механика ва геотехника муҳандислиги халқаро жамияти (ISSMGE) қошидаги «TC 19 – Геотехника ва жаҳон маданий мерос объектларини сақлаш» халқаро техник қўмитасининг аъзоси. Унинг «Самарқанднинг меъморий ёдгорликлари тузилмалари» (2009), «Тупроқнинг мустаҳкамлиги ва барқарорлигини экспериментал ва назарий ўрганиш» (2015), «Қумлоқли тупроқлар асослари» каби китобларидан соҳа мутахассислари кенг фойдаланиб келмоқда. Унинг ўғли Зоҳиржон ҳам шу фан мутахассиси сифатида қатор илмий ишлари билан танилиб бормоқда.

**Ҳамза ШУКУРОВ,**
**«O‘zbekiston bunyodkori» мухбири.**

O'ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№89-90 (438-439) 2020 йил 13 ноябрь

# ҚАШҚАДАРЁДА МИЛЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМ ЯРАТИЛИБ, САНОАТ РИВОЖЛАНИШИ ЯНАДА ЮКСАЛАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Хомашёдан – тайёр маҳсулотгача тамойили асосида вилоятда тўқимачилик саноатини ривожлантириш, бунинг учун таниқли хорижий брендларни жалб этиш, кластерлар фаолиятини таҳлил этиб бориш юзасидан вазифалар белгиланди.

Тошкент шаҳри ва вилояти ҳудудидан ўн гектар ер ажратиб, «Oqsaroy Group» компанияси негизида тўқимачилик технопарки ташкил этиш ва маҳсулотларнинг онлайн савдосини йўлга қўйиш кераклиги таъкидланди.

Ўзбекистондаги барча текстиль ишлаб чиқарувчилар бир жойга жамланадиган мазкур технопаркда уларнинг дўконлари ва омборлари бўлади. Технопарк биринчи навбатда ишлаб чиқарувчиларга экспорт масаласига кўмаклашади.

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилоятида 2020-2022 йилларда амалга ошириладиган инвестиция режалари, пахта толасини қайта ишлаш даражасини ошириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бўйича лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Давлат хизматлари маркази ва IT-технопарк фаолиятини кўздан кечирди.




Айни пайт Давлат хизматлари маркази орқали аҳолига 140 дан зиёд хизматлар кўрсатилмоқда. Бу ерда электрон навбат тизими жорий қилинган, махсус инфокиосклар, электрон аукционда иштирок этиш учун махсус жой, инвесторлар ва тадбиркорлар билан бизнес-учрашувлар ўтказишга мўлжалланган хона мавжуд. Шунингдек, анжуман ва семинарлар учун конференц зал, буфет, кутубхона ва болалар майдончаси ташкил этилган.

Тўловларни амалга ошириш учун банк кассаси, банкоматлар ишлаб турибди. Бу ерда яна нотариус, ФҲДЁ бўлими, суғурта ташкилоти филиаллари фаолият кўрсатади. Халқ қабулхонаси ва Бош вазир қабулхонасида фуқароларнинг шикоятлари кўриб чиқилади.

Бундан ташқари, Тошкентда синов тарзида йўлга қўйилган «Surdo-online» платформаси илк бор Қарши шаҳрида ўрнатилди. Ушбу тизим имконияти чекланган шахсларга давлат хизматларидан чекланмаган тарзда, қулай ва тезкор фойдаланишда ёрдам беради. Ушбу платформа орқали сурдо таржимонлик мутахассислигига эга ёшлар иш билан таъминланмоқда.

Ушбу марказ орқали бугунга қадар 300 мингдан зиёд давлат хизматлари кўрсатилган бўлиб, 2 мингга яқини филиаллар орқали, мингга яқини эса сайёр тарзда амалга оширилди. Бир кунда муассаса ходимлари 700-800 нафар фуқарога хизмат кўрсатади. Тезкор интернет, замонавий техник воситалар ва кутиш зали фуқароларга қулай давлат хизматларини тақдим этишга мўлжалланган.

Президент марказдаги шароит билан танишди. Одамлар талабидан келиб чиқиб, янги хизмат турларини йўлга қўйиш, аҳолига қулайлик яратиш бўйича топшириқлар берди. Хусусан, Қарши шаҳридаги маҳаллаларда давлат хизматларини ташкил этиш кераклиги алоҳида таъкидланди.

– Одамлар бу марказга эмас, аксинча марказ маҳаллаларга кириб бориб давлат хизматларини жойида кўрсатсин. Шунда бу марказларни ташкил этишдан кўзлаган мақсадга эришилади, қайси соҳаларда хизматларга эҳтиёж борлиги аён бўлади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Бугунги кунда IT-технопаркда 15 нафар ёш веб-дизайнер, дастурчи ва робототехник фаолият бошлаган. «Бир миллион дастурчи» лойиҳаси доирасида ёш дастурчиларни тайёрлаш курслари ташкил этилгани натижасида ахборот технологияларига қизиқувчи ёшларга дастурий маҳсулотлар яратишда қулайлик яратилди.

Илк ютуқларга ҳам эришилди. Талабалар ўртасида ўтказилган «mGovAward» энг яхши давлат мобил иловасини ишлаб чиқиш бўйича танловда қашқадарёлик ёшлар жамоаси ғолиб бўлди. Улар яратган чет тилларини масофавий ўқитиш мобил иловасини такомиллаштириш учун 50 минг АҚШ доллари мукофот ажратилди.

Президентимиз технопаркда ёшларга қулай муҳит яратиш, бу ерга келаётган ёшлар сафини кенгайтириш бўйича таклифлар берди. Вилоятдаги олий таълим муассасалари ва IT-технопарклар ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш бўйича вазифалар белгиланди.

Давлатимиз раҳбари Қарши шаҳрида қашқадарёлик ўқитувчи ва мураббийлар, тиббиёт ходимлари билан суҳбатлашди.

Маълумки, 30 октябрь куни таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, 6 ноябрда эса соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини тубдан ўзгартириш масалалари юзасидан видеоселектор йиғилишлари ўтказилган эди. Бу икки соҳа бўйича Президентнинг алоҳида фармон ва қарори ҳам қабул қилинди.

Учрашувда таълим ва тиббиёт соҳаларидаги ислоҳотларнинг аҳамияти, жойларда амалга ошириш чоралари ҳақида сўз борди.

– Бу икки соҳани ривожлантирмасдан туриб рақобатбардош мамлакат бўла олмаймиз. Келажакни соғлом миллат, билимли авлод қуради, – деди Шавкат Мирзиёев.

Қайд этиш жоизки, Қашқадарёда мактаблар аҳволи ҳам, тиббий хизмат сифати ҳам қониқарсиз. Муаммолар жуда кўп. Ота-оналар таълим тизимидан норози. Аксарият аҳолининг турмуш тарзи, овқатланиш рациони тўғри эмас. Шу боис бу соҳаларда бошланган ислоҳотлар вилоят учун ўта муҳим ва зарур.

Шавкат Мирзиёев бу борадаги янги иш тизимидан мақсади, педагог ва шифокорлардан кутаётганлари ҳақида кўнглидаги гапларни айтди. Мактаб директорлари, ўқитувчилар, тиббиёт ходимларининг фикр-мулоҳазаларини эшитиб, таклифларини қўллаб-қувватлади.

– Таълимдаги ишлар ҳам, тиббиётдаги ҳам игна билан қудуқ қазишдек гап, натижаси тез кўринмайди. Бунинг учун машаққатли меҳнат, катта фидойилик керак. Бошланган ислоҳотларнинг амалга ошиши, халқимизнинг рози бўлиши шунга боғлиқ. Бу йўлда сизларга ишонаман, суянаман, – деди Президент.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳрида очилган Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникасини бориб кўрди.




Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобатни ривожлантириш – сифат, унумдорлик ва тараққиётнинг муҳим омили. Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 27 октябрь куни қабул қилинган «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони шу мақсадга қаратилган.

Ушбу масала бўйича 28 октябрь куни ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари бу борада аҳолига батафсил маълумот берадиган маслаҳат клиникалари ҳамда колл-марказ ташкил этиш зарурлигини таъкидлаган эди. Шунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда Корхоналарни соғломлаштириш ва хусусийлаштириш клиникалари очилди. Шунингдек, куну тун ишлайдиган 1082 рақамли колл-марказ йўлга қўйилди.

Мазкур клиникалар Давлат активларини бошқариш агентлиги ва унинг ҳудудий органлари томонидан бошқарилади. Уларнинг фаолиятида Савдо-саноат палатаси, Бош вазир қабулхонаси, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бошқармалари ва ҳокимлик вакиллари доимий иштирок этади. Бундан ташқари, сўровга асосан бошқа вазирлик ва идоралар, тижорат банклари ходимлари ҳам жалб этилиши мумкин.

Қарши шаҳридаги бундай клиникада иқтисодий-молиявий ва юридик маслаҳатлар бериш, информацион хизматлар кўрсатиш учун барча шароит яратилган. Малакали мутахассислар бириктирилиб, инфокиосклар ўрнатилган. Бу ерда хусусийлаштиришга қўйилган объектлар, уларнинг манзили, ҳолати, соҳадаги тартиб-қоидалар ҳақида батафсил маълумот олиш мумкин.

Клиника биносида Қашқадарёдаги йирик корхоналар ва тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг доимий кўргазмаси ҳам ташкил этилган. Мажлислар зали, музокара хоналари, экспортчилар уюшмаси ва ўқув марказлари жойлаштирилган.

– Хусусийлаштириш – қўшимча қиймат ва ишчи жойлар яратадиган муҳим масала. Ҳар бир объектнинг эгасини топиб, ишни йўлга қўйиб юбориш керак. Бу эса тадбиркорга имконият, маҳаллий бюджетга тушум, – деди давлат раҳбари.

Шу ерда Шаҳрисабз, Ғузор, Нишон ва Деҳқонобод туманларини ривожлантиришнинг «ўсиш нуқталари» бўйича тақдимот ўтказилди.

Масалан, 2015 йилда Нишон тумани маҳаллий бюджетида умуман маблағ қолмас эди. Ҳокимларга қўшимча маблағлар тушириш ва ишлатиш имконияти берилгач, ушбу ҳудуд иқтисодиёти ҳам ривожлана бошлади. Жорий йилнинг 9 ойида Нишон тумани бюджетига 6 миллиард сўм қўшимча маблағ тушди. Тўртинчи чоракда яна 4 миллиард бўлиши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари шу тизимда ишларни давом эттириб, ҳар бир ҳудуднинг «ўсиш нуқталари»ни ишга солиб, қўшимча маблағлар ҳисобидан ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, уйлар, йўллар қуриш, кам таъминланган оилаларга кўмаклашиш зарурлигини таъкидлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Қарши шаҳридаги Ёшлар марказида бўлиб, шароитларни кўздан кечирди.

Шу ерда қашқадарёлик ёшлар билан учрашув ўтказилди.

– Мен сизларнинг кўзларингга қараб, очиқ мулоқот қилгани келдим. Ҳамма ёшлар билан кўришишни хоҳлардим, лекин, афсуски, бунинг иложи йўқ. Сиз уларнинг вакиллари ўрнида жойлардаги муаммоларни, ёшлар истакларини айтишингизни истардим. Шунинг учун қўрқмасдан, ўз ота-оналарингга нима дейишни хоҳласаларинг, ҳамма фикрларингни бемалол айтинглар, – деди давлат раҳбари.

Учрашувда ёшлар муаммоларини ҳал қилиш, бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича очиқ мулоқот бўлди.

Қашқадарё вилоятида 26 мингдан зиёд ёшлар ишсиз, тадбиркорлик ривожи мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан анча пастда экани қайд этилди.

Йигит-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, «Ёшлар – келажагимиз» давлат дастури доирасида йиллик режага қўшимча маблағ ажратиш зарурлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари муборакликёшларнинг таклифини қаноатлантириб, туманда IT-парк ташкил этиш, электрон тижорат ва дастурлаш кўникмаларини бепул ўргатиш юзасидан мутасаддиларга топшириқ берди.

Китоб туманидаги 150 ўринли Болалар мусиқа ва санъат мактабида 310 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Мазкур муассаса ўқувчилари учун етарли шароит яратиш вазифаси қўйилди.

Вилоят ёшларининг спортга қизиқишини инобатга олиб, мактабларда спорт заллари қуриш, мажмуаларда тўгаракларни кўпайтириш зарурлиги айтилди. Инвентарлар ва анжомлар сотиб олиш учун Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳисобидан 10 миллиард сўм ажратишга кўрсатма берилди.

Яқинда Сербияда бўлиб ўтган самбо бўйича жаҳон чемпионатида олтин медални қўлга киритган Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институти талабаси Мушарраф Ибодуллаева давлат гранти асосида ўқишга ўтказиладиган бўлди.

Учрашувда турли соҳаларда ўқиётган ва ишлаётган ёшларнинг фикрлари эшитилди. Таклифлари маъқулланиб, мутасаддиларга тегишли топшириқлар берилди.

– Мендан энг катта мақсад-муддаоинг, бахтинг нима, деб сўрасаларинг, шундай деган бўлардим: ёшларимизнинг дунёқарашини жаҳон даражасига кўтариш, ишли қилиш, ғурур-ифтихорини юксалтириш, оилавий бахтини кўриш, – дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Абдулазиз МУСАЕВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

---

**Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманида Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси лойиҳаларга биноан қуриб битказилган «Истеъмолчилар уйи» ҳамда «Истеъмолчи кутубхонаси» фойдаланишга топширилди. Замонавий услубда қурилган икки қаватли бино давлат-хусусий шерикчилик тамойили асосида бунёд этилди.**

# «Истеъмолчилар уйи» фойдаланишга топширилди

Биноларни топширишга бағишланган тантанали маросимда сўзга чиққан туман ҳокими З. Маҳкамова, Олий Мажлис Сенати аъзоси И. Нажмиддинов, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси раиси Ж. Саримсоқов ва бошқалар бу ерда юртдошларимизнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш учун қатор шарт-шароитлар яратилганини таъкидладилар.

Ҳар бир инсон истеъмолчи ҳисобланади. Биз деярли ҳар куни қандайдир буюмни сотиб оламиз, турли хизматлардан фойдаланамиз. Аммо ҳар доим ҳам уларнинг сифатидан қониқмаймиз. Бундай ҳолатда нима қилиш керак? Қаерга мурожаат қилса бўлади? Ана шу каби саволларга «Истеъмолчилар уйи»га ташриф буюриб, жавоб топа оласиз.

– «Истеъмолчилар уйи» биринчи бўлиб туманимизда қад ростлаганидан хурсандмиз, – дейди меҳнат фахрийси Анваржон Убайдуллаев. – Яқинда бир ҳамқишлоғимдан янги харид қилган музлатгичи бузилиб қолиб, нима қилишни билмаётганини эшитдим. Ростини айтсам, ўзим ҳам бирон нима дейишга қийналдим. Ана энди бу ерда шунга ўхшаш ҳолатларга жавоб олиш имкони бор. Чунки бу ерда тажрибали мутахассислар истеъмолчилар ҳуқуқларига доир барча масалалар юзасидан маслаҳатлар беришади. Фуқаролардан ариза ва мурожаатлар ҳам шу ерда қабул қилинади.

Мазкур даргоҳда юқорида айтилганидай, «Истеъмолчи кутубхонаси» ҳам жойлашган. Унинг фондидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва истеъмолчилик соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи меъёрий ҳужжатлар, сиёсий-иқтисодий қўлланмалар, маърифий, бадиий, илмий-оммабоп китоблар, республикада нашр қилинадиган ижтимоий-сиёсий газета ва журналлар ўрин олган. Шунингдек, 16 турдаги юридик адабиётлар туркуми ҳам мавжуд. Жами адабиётлар сони беш минг нусхадан зиёд. Бундан ташқари, тўрақўрғонлик истеъмолчилар тез орада 100 минг донадан иборат электрон китоблар базасидан фойдаланиш имкониятига ҳам эга бўладилар. Бу, айниқса, ҳозирги пандемия шароитида ҳар бир киши ўз уйидан туриб, буюртма асосида арзон нархда электрон китобларни харид қилиши учун шароит яратиши билан эътиборга моликдир. Дарвоқе, кутубхонада тақдим этиладиган хизматлар инновацион ечимларга асосланган. Масалан, зарур адабиётларни тезда топиш ва харид қилишга интернет тармоғида фаолият кўрсатадиган «eReader» электрон ўқув қурилмаси ўрнатилган. Хоҳловчилар кутубхонада замонавий «Book cafe» ва бепул Wifi тизимидан фойдалана оладилар.

Давлат-хусусий шерикчилик негизида бунёд этилган бинода аҳолига бошқа хизматлар ҳам кўрсатилади. Диққатга сазовор томони – уларнинг барчаси давлатимиз раҳбари олға сурган бешта муҳим ташаббус доирасидаги тадбирларни амалга ошириш имконини беради. Мисол учун, бу ерда хотин-қизларни бепул чеварчиликка ўргатиш маркази жойлашган. Вақтинча ишсиз ва касб-ҳунари йўқ ёшлар эса ҳунармандчиликнинг у ёки бу турини ўрганадилар. Ижодга, хусусан, санъатга қизиқувчи ёшлар ҳам ўзларига машғулот топишлари мумкин. Улар миллий чолғу асбобларини чалишни ўрганиш баробарида, қизиқувчилар дутор, рубоб, тор ёки доира ясаш сирларини ҳам ўзлаштиришлари мумкин.

Ана шундай шарт-шароитларга эга бинони маҳаллий тадбиркор Ҳасанбой Бозоров томонидан бунёд этилганини айтиб ўтиш лозим. У бунинг учун 850 миллион сўм маблағ сарфлади.

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерациясидан бизга маълум қилишларича, айни пайтда «Истеъмолчилар уйи» ҳамда «Истеъмолчи кутубхонаси» лойиҳаси бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилмоқда. Ҳозиргача Олтиариқ, Қизилтепа, Риштон, Сариосиё, Узун, Боғдод, Фарғона, Косон, Олот, Деҳқонобод туманларида ҳамда Фарғона ва Марғилон шаҳарларида жами 12 та шундай мажмуа қуриб битказилди. Яна бир қатор объектларни барпо этиш юзасидан ишлар давом эттирилмоқда.

**Нурбек АБДУЛЛАЕВ,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

---

# Кадастр соҳаси рақамлаштирилмоқда

**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси томонидан «Рақамлаштирилаётган кадастр соҳасида интеграция жараёнлари коррупцияга қарши курашишнинг асосий омили» мавзусида ташкил этилган матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

Унда асосий эътибор жорий йил 15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Давлат кадастрларини юритишнинг янги тизимини самарали ташкил этиш, ҳудудлардаги мавжуд резервлар ҳамда келгусидаги устувор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифаларга қаратилди. Қайд этилганидек, коррупцияга қарши курашиш ва бу борадаги қонунчилик нормаларини кенг жамоатчиликка етказиш давр талаби. Шу сабабли кадастр соҳасини коррупциядан ҳоли тизимга айлантириш, соҳани рақамлаштириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилиб, анжуманда бу ҳақда ОАВ ходимларига батафсил маълумотлар берилди.

Ахборот тизимларини ўзаро маълум бир мақсадда боғлаш учун хизмат қилувчи интеграция жараёнлари ҳақида сўз юритилар экан, жумладан, Кадастр ахборот тизими 9 та манфаатдор вазирлик ва идоралар ахборот тизимлари билан интеграция қилинганини маълум қилинди.

Ушбу тизим орқали кўчмас мулк объекти ҳақида маълумотларни солиқ ахборот тизимига тақдим этиш имконияти яратилган бўлса, кўчмас мулк объектлари бўйича нотариал битимларни амалга оширишда эса маълумотномалар, объектнинг давлат рўйхатидан ўтказилган кўчирмаси, тақиқ ва чеклов ҳамда мулкдорлар ҳужжатлари ҳақидаги ахборотлар нотариал хизматга электрон шаклда тақдим этилади.

Мажбурий ижро бюроси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хизматлари агентлиги ҳамда Ягона интерактив давлат хизматлари портали, шунингдек, коммунал хизматлар бўйича ҳам интеграция тизими ўрнатилган.

Янги тизим кўчмас мулк эгалари аввалги тартибда, идорама-идора юриб, ҳокимият органларидан, қурилиш ташкилотлари, нотариат ҳамда кадастр идоралари ўртасида сарсон бўлиб юрган бўлса, ушбу тартиб бўйича ҳамма ишларни Давлат хизматлари агентлигида мужассамлаштириш имконини беради. Ушбу порталнинг имкониятлари натижасида, фойдаланувчи бевосита мулкида бўлган кўчмас мулк объекти бўйича коммунал ташкилотлар билан интеграцияланган тизимлар ёрдамида иссиқ сув, электр, газ таъминоти каби бошқа маълумотларни кўриш имконияти мавжудлиги алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу интеграциялар натижасида, 2020 йилнинг 9 ойи давомида 400 000 та ахборотлар алмашинувига эришилди.

**Наргиза ХАЙРУЛЛАЕВА,**
**«O'zbekiston bunyodkori» мухбири.**

---

# Ишлаб чиқариш лойиҳаси таклиф қилинди

**Эрон Ислом Республикасининг «Savin Tab Co» компанияси Бухоро вилоятида йирик сармоя киритишга доир лойиҳа ташаббуси билан чиқди.**

Ана шу муносабат билан ўтказилган видеомулоқотда Бухоро вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Ботир Зарипов ва хориж компанияси бошқаруви раиси Қосим Нажафи, техник ва ишлаб чиқариш масалалари бўйича менежери Амир Сағафилар иштирок этиб, Бухорода кимёвий йўл билан сунъий тола-полиэфир ишлаб чиқаришга ихтисослашган фабрикани барпо этиш бўйича таклиф муҳокама қилинди.

Видеомулоқотда юртимизда чет эл сармоядорларига яратилган имкониятлар, хусусан, иқтисодиётдаги улуши ортиб бораётган енгил саноат соҳасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ва бевосита Бухорода амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан атрофлича маълумот берилди.

Видеомулоқот натижасида республикамиздаги турдош корхоналар, енгил саноат субъектларининг талабидан келиб чиқиб, келгусида сунъий тола-полиэфир маҳсулотининг экспорт қилиш истиқболларини ўрганган ҳолда дастлабки қиймати 100 миллион АҚШ долларини ташкил қилган уч турдаги сунъий тола ишлаб чиқариш бўйича «Сиёвуш Текстиль Бухоро» ҳамда «Азрус текстиль» корхоналари билан ўзаро ҳамкорлик келишувларига эришилди.

**Ўз мухбиримиз.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№89-90 (438-439) 2020 йил 13 ноябрь



| Т/р | Гуруҳ мезони | Мезонлар | Кўрсаткичлар |
|---|---|---|---|
| 30. | | | Узоқ муддатли қарзи |
| 31. | | Рентабеллик | Рентабеллик даражаси |
| 32. | | Мавжудлик | МҲХС бухгалтерия ҳисоботига жорий этилгани |
| 33. | Рақобатбардош-лиги | Халқаро тендерлар | Халқаро тендерлардаги иштироки |
| 34. | | | Ютганлари |
| 35. | | Маҳаллий тендерлар | Маҳаллий тендерлардаги иштироки |
| 36. | | | Ютганлари |
| 37. | | Мустақил назорат | ISO 9001 сертификатга эгалиги |
| 38. | | | ISO 45001 сертификатга эгалиги |
| 39. | | | ISO 14001 сертификатга эгалиги |
| 40. | | Халқаро ҳамкорлик | Техник ва / ёки махсус техникаларни янгилаш учун халқаро ёки хорижий ташкилотлардан беғараз ёрдам олганлиги |
| 41. | Иш тажрибаси | Қурилишда тажрибаси | Қурилиш-монтаж ишларини бажаришдаги тажрибаси |
| 42. | | Манбаларни жалб қилиш | Жами бажарилган иш ҳажми |
| 43. | | | Амалга оширилган янги қурилиш, реконструкция ишлари |
| 44. | | | Амалга оширилган мукаммал таъмирлаш ишлари |
| 45. | | Қонунийлик | Қурилиш соҳасида назорат инспекция томонидан қурилиш меъёрлари ва қоидалари бузилганлиги учун судга берилган мурожаатларнинг сони |
| 46. | Моддий-техник база | Ўзига тегишли машина ва механизмлар | Ўз балансидаги махсус техника сони |
| 47. | | | Самосвал (20 тоннадан юқори) |
| 48. | | | Экскаватор (0,5-1,5 куб.м) |
| 49. | | | Автокран 10-25 тонна |
| 50. | | | Минора крани |
| 51. | | | Бетон қоргич |
| 52. | | | Қозиқ қоқувчи техника |
| 53. | | АКТ ресурсларидан фойдаланиш | Интернетда ташкилотнинг веб-сайти мавжудлиги |
| 54. | Меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги | Қонунийлик | Давлат меҳнат инспекцияси томонидан аниқланган меҳнат, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар ва техника хавфсизлиги, гигиена талаблари бузилиши ҳолатлари |
| 55. | | | Давлат меҳнат инспекцияси томонидан берилган ёзма кўрсатмалар |
| 56. | | | Давлат меҳнат инспекцияси томонидан берилган ёзма кўрсатмаларнинг ижроси |
| 57. | | | Давлат меҳнат инспекцияси томонидан маъмурий жарима қўлланилганлиги |
| 58. | | | Давлат меҳнат инспекцияси томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган нормаларнинг бузилиши ҳолатлари судга берилганлиги |
| 59. | | Бахтсиз ҳодисалар мавжудлиги | Қурилиш ташкилотларида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бахтсиз ҳодисалар бўйича маълумотлар |
| 60. | Технология-лаштириш | Дастурий ечим | Корхонанинг манбалари режаси (КМР) тизими жорий этилганлиги |
| 1. | Соҳага алоқадор бошқа мезонлар | | Тегишли кўрсаткичлар |



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

# ЛОЙИҲА-ҚИДИРУВ ВА ҚУРИЛИШ-ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РЕЙТИНГИНИ ҲИСОБЛАШ ВА ЮРИТИШ ТАРТИБИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ҳамда натижадорлигини ошириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатини яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги (кейинги ўринларда – рейтинглар) ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланадиган методикалар асосида юритилиши белгилаб қўйилсин.

3. Рейтингларни ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига:

Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар, тўланган солиқлар ва иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотлар;

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан қурилиши тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар;

бошқа мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан зарур идоравий маълумотлар ўрнатилган тартибда тақдим этилиши белгилаб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, мутасадди вазирликлар ва идоралар:

рейтингларни жорий этиш учун «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган дастурий таъминотлар бир ой муддатда ишлаб чиқилиши ва ишга туширилишини;

рейтинглар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган статистик ва идоравий маълумотлар реестрларини ўзида акс эттирган идоралараро ҳужжатлар икки ҳафта муддатда ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ҳамда ижро этилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги рейтинглар ҳисобини юритиш учун зарур бўлган дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ҳамда «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаштириш ишларида Қурилиш вазирлигига, мутасадди вазирликлар ва идораларга амалий ёрдам кўрсатсин.

6. Қуйидагилар рейтингларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари тўғрисидаги ягона электрон маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда улар рейтингини юритиш;

лойиҳа ва қурилиш ишларида марказлаштирилган маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича такомиллашган тизимни жорий этиш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўлиқ риоя этилишига эришиш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртасида ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш орқали пудрат ҳамда лойиҳа ишлари бозорини ривожлантириш;

лойиҳа ва қурилиш соҳасида маҳоратли ишчи ва хизматчиларни (кадрларни) тайёрлаш, улар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш орқали лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари салоҳияти оширилишига эришиш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари соҳа бўйича дунёдаги нуфузли ташкилотлар рейтингида юқори поғоналардан жой олишини таъминлаш.

7. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига рейтинглар ҳисобини юритиш учун тақдим этиладиган тегишли статистик ва идоравий маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, мутасадди вазирликлар ва идораларнинг биринчи раҳбарлари масъул этиб белгилансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

рейтинг юритиш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида Қурилиш вазирлиги марказий аппаратида бошқарув ходимлари сони 4 та штат бирлигидан иборат бўлим ва ушбу бўлимга бириктириладиган 1 та хизмат автотранспорт воситаси ажратиш;

бўлимни сақлаш ва 1 та хизмат автотранспорт воситасини ажратиш билан боғлиқ харажатлар Қурилиш вазирлиги фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштириш.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги марказлаштирилган манбалар ҳисобига молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини амалга оширувчи қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан алоҳида шахсий ғазна ҳисобвараҳи очилиши бўйича асосланган таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А. Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазири Б. И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2020 йил 9 ноябрь
699-сон



Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат
ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

## Лойиҳа-қидирув ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш МЕЗОНЛАРИ

| Т/р | Мезонлар | Кўрсаткичлар |
|---|---|---|
| 1. | Корпоратив бошқарув тизими | Жами ишчилари сони |
| 2. | | Мутахассисларнинг умумий иш тажрибаси |
| 3. | | Малака оширган ходимлар сони (республика ҳудудида) |
| 4. | | Малака оширган ходимлар сони (ривожланган хорижий мамлакатларда) |
| 5. | | Малакага эгалик тўғрисидаги махсус сертификатларга эга ходимлар сони |
| 6. | | Халқаро ISO 9001 стандартларига асосланган сифатни бошқариш тизими мавжудлиги |
| 1. | Молиявий барқарорлиги, самарадорлиги ва соҳадаги фаоллиги | Ташкилотнинг рентабеллиги |
| 2. | | Солиқдан қарздорлик ҳолатлари |
| 3. | | Ходимларнинг ўртача иш ҳақи миқдори |
| 1. | Фаолият натижадорлиги | Мураккаблик тоифасига тегишли ишлаб чиқилган лойиҳалар сони |
| 2. | | Тендер савдолари ва танловларда эришган натижалари |
| 3. | | Хорижий буюртмалар асосида ишлаб чиқилган лойиҳалар сони |
| 4. | | Бошқа мураккаблик тоифасига тегишли ишлаб чиқилган лойиҳалар сони |
| 5. | | Лойиҳаларни экспертизадан ўтказиш натижалари |
| 6. | | Объектларнинг эскиз лойиҳаларини шаҳарсозлик кенгашида кўриб чиқилиш натижалари |
| 7. | | Амалга оширилган муаллифлик назорати натижалари |
| 8. | | Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг тақдимномалари |
| 1. | Ишлаб чиқариш самарадорлиги | Жами бажарилган ишлар қиймати |
| 2. | | Бино ва иншоотлар майдони |
| 3. | | Лицензияланган дастурий таъминотлар |
| 4. | | «БИМ» технологияларига асосланган лицензияланган дастурий таъминотлар |
| 5. | | Замонавий компьютер ва ноутбуклар сони |
| 6. | | Нусха олиш ва кўчириш техникалари мавжудлиги |
| 7. | | Бошқа турдаги техникалар, асбоб-ускуналар, лаборатория жиҳозлари |
| 8. | | Бажарилган иш ҳажмининг ҳар бир ходимга тўғри келадиган миқдори |
| 1. | Соҳага алоқадор бошқа мезонлар | Тегишли кўрсаткичлар |



Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси, мутасадди вазирликлар ва идоралар статистик ва идоравий маълумотлар базалари негизида «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган дастурий таъминот воситасида рейтингни ҳисоблаш учун талаб этиладиган тегишли статистик ва идоравий маълумотлар беш кун муддатда белгиланган тартибда интеграция қилинишини таъминлайди;

Қурилиш вазирлиги томонидан «Шаффоф қурилиш» миллий ахборот тизими билан интеграциялаштирилган дастурий таъминот воситасида рейтингнинг автоматик ҳисобланиши таъминланади;

лойиҳа-қидирув ташкилотлари рейтинги тўғрисидаги маълумотлар Қурилиш вазирлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилади.

12. Мазкур Низомнинг 10 ва 11-бандларида белгиланган барча жараёнлар Қурилиш вазирлиги томонидан мувофиқлаштириб борилади.

### 3-боб. Рейтинглар натижаларини ҳисоблаш ва эълон қилиш тартиби

13. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва бошқа мутасадди вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этилган статистик ва идоравий маълумотлар асосида Қурилиш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган методикаларга мувофиқ белгиланган тартибда рейтинглар ҳисоблари юритилади.

14. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингларини аниқлаш мезонлари ушбу Низомга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ амалга оширилади.

15. Рейтинглар баллари қуйидагилардан шакллантирилади:

тегишли рейтинглар кўрсаткичлари бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари аниқланади;

ҳар бир мезон бўйича кўрсаткич баллар йиғиндисидан иборат бўлади;

ҳар бир мезон бўйича ҳисобланган баллар йиғиндиси лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ифодалайди.

16. Қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги натижалари қуйидаги тоифаларга бўлинади:

| Ишончлилик тоифаси | Рейтинг баҳоси | Ишончлилик даражаси | Умумий баллар *(фоизда)* |
|---|---|---|---|
| A | AAA | Биринчи юқори даража | >/= 85% |
| | AA | Иккинчи юқори даража | >/= 75% |
| | A | Учинчи юқори даража | >/= 65% |
| B | BBB | Биринчи ўрта даража | >/= 55% |
| | BB | Иккинчи ўрта даража | >/= 40% |
| | B | Учинчи ўрта даража | >/=35% |
| C | CCC | Биринчи қониқарли даража | >/= 30% |
| | CC | Иккинчи қониқарли даража | >/= 25% |
| | C | Учинчи қониқарли даража | >/= 20% |
| D | DDD | Биринчи қуйи даража | >/= 7% |
| | DD | Иккинчи қуйи даража | >/= 5% |
| | D | Учинчи қуйи даража | < 5% |

17. Қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги натижаларига кўра қурилиш-пудрат ташкилотининг рейтинг баҳоси «А» ва «В» даражасидаги ишончлилик тоифасига мансуб бўлган тақдирда, объект фойдаланишга топширилгандан сўнг буюртмачи томонидан кафолат муддати инобатга олинмасдан объект қийматининг 5 фоизи миқдоридаги маблағ қурилиш-пудрат ташкилотига тўлиқ тўлаб берилади.

### 4-боб. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларини рейтингларга киритиш ва ундан чиқаришнинг асослари

18. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтганлиги, асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишларидан (хизматлар) иборатлиги юридик шахсларни қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингига киритиш учун асосий мезон ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тегишли лицензияга эга эканлиги юридик шахсларни лойиҳа-қидирув ташкилотлари рейтингига киритиш учун асосий мезон ҳисобланади.

19. Қуйидаги ҳолларда қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингдан чиқарилади:

қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан Қурилиш вазирлигига рейтингдан ихтиёрий чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

қурилиш-пудрат ташкилотининг асосий фаолият тури бошқа фаолият турига ўзгарганда;

қурилиш-пудрат ташкилоти тугатилганда.

20. Қуйидаги ҳолларда лойиҳа-қидирув ташкилотлари рейтингдан чиқарилади:

лойиҳа-қидирув ташкилотлари томонидан Қурилиш вазирлигига рейтингдан ихтиёрий чиқиш тўғрисида ариза берилганда;

амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ваколатли орган томонидан лойиҳа-қидирув ташкилоти лицензияси бекор қилинганда, лойиҳа-қидирув ташкилоти тугатилганда.

### 5-боб. Якунловчи қоидалар

21. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

22. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2020 йил 9 ноябрдаги 699-сон қарорига
илова

# Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

## 1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтган ва асосий фаолият тури қурилиш-монтаж ишлари ва хизматларни амалга оширишдан иборат бўлган ҳамда Ўзбекистон Республикасида шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун тегишли лицензияга эга бўлган юридик шахсларнинг рейтинг маълумотларини шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинги (кейинги ўринларда – рейтинглар) ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан холислик, ошкоралик ва адолат тамойилларига амал қилган ҳолда юритилади.

3. Рейтинглар лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, уларнинг инновацион фаолияти даражаси ва сифатини оширишни рағбатлантириш, ходимларнинг салоҳиятидан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг реал сектори тармоқлари учун қурилиш-монтаж ва лойиҳа ишлари сифатини соҳалар бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлардаги даражага олиб чиқишга замин яратади.

4. Қуйидагилар рейтингларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари тўғрисидаги ягона электрон маълумотлар базасини шакллантирган ҳолда улар рейтингини юритиш;

лойиҳа ва қурилиш ишларида марказлаштирилган маблағлардан самарали фойдаланиш бўйича такомиллашган тизимни жорий этиш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари томонидан шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига тўлиқ риоя этилишига эришиш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари ўртасида ҳалол рақобат муҳитини шакллантириш орқали пудрат ҳамда лойиҳа ишлари бозорини ривожлантириш;

лойиҳа ва қурилиш соҳасида маҳоратли ишчи ва хизматчиларни (кадрларни) тайёрлаш, улар малакасини мунтазам равишда ошириб бориш орқали лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари салоҳияти оширилишига эришиш;

лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари соҳа бўйича дунёдаги нуфузли ташкилотлар рейтингида юқори поғоналардан жой олишини таъминлаш.

5. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтинглари тўғрисидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

6. Ушбу Низом талаблари Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган хорижий лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотларига нисбатан татбиқ этилмайди.

## 2-боб. Рейтингларни ҳисоблашга оид маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш тартиби

7. Лойиҳа-қидирув ва қурилиш-пудрат ташкилотлари рейтингларини шакллантириш схемалари ушбу Низомга 1 ва 2-иловаларга мувофиқ шакллантирилади.

8. Рейтингларни ҳисоблаш учун Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига:

Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан иш тажрибаси, ходимлар, шу жумладан, малакали мутахассислар сони, асосий воситалар ҳажми, олинган даромадлар, тўланган солиқлар ва иш ҳақи фонди тўғрисидаги маълумотлар;

Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси томонидан қурилиши тугалланган объектлар ҳажми, шаҳарсозлик қонунчилигини бузиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисидаги бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмаларнинг мавжудлиги ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар;

